



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИ: АМАЛИЁТ, БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ВА ТИЗИМЛИ МУАММОЛАР (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)

Кузиев Дилшод Ахрорович

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқод институти  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19544053>

### ARTICLE INFO

Received: 4<sup>th</sup> April 2026

Accepted: 5<sup>th</sup> April 2026

Published: 12<sup>th</sup> April 2026

### KEYWORDS

ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси; ички ишлар  
органлари; идоралараро  
ҳамкорлик; далилга асосланган  
полиция; ситуацион  
профилактика; экологик  
криминология; кейс-менежмент;  
рақамлаштириш; кибер-  
профилактика; OSINT; сунъий  
интеллект.

### ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бошқарув ва баҳолаш амалиёти илмий-таҳлилий жиҳатдан ёритилади. Тадқиқотда профилактиканинг қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва идоралараро ҳамкорлик принципларига таянадиган ҳуқуқий табиати асосланиб, “далилга асосланган полиция фаолияти”, ситуацион профилактика ва экологик криминология ёндашувларининг амалий аҳамияти баҳоланади. Амалиёт таҳлили натижасида профилактика самарадорлигини баҳолашда “миқдорий ҳисобот” устуворлиги, “outcome” (рецидив камайиши, риск-гуруҳдан чиқиш) индикаторларининг етарлича инобатга олинмаслиги, ягона кейс-менежмент ва рақамли интеграциянинг тўлиқ шаклланмагани каби муаммолар аниқланади. Мақолада SOP асосида ваколатларни аниқ чегаралаш, “E-ijtimoiy profilaktika” платформасини соҳавий базалар билан интеграция қилиш, кибер-профилактика бўлинмалари, OSINT/AI воситалари ва доимий малака ошириш механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг яхлит ҳуқуқий тизими яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари асосий роль ўйнайди. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар тизимидир.

Замонавий криминология ва профилактика амалиётида фаолиятнинг бир нечта муҳим йўналишлари фарқланади:

Махсус профилактика, яъни, айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ёки алоҳида шахслар тоифасининг кўпайиши хавфи туғилганда қўлланиладиган мақсадли чоралар. Комплекс профилактика, яъни, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

Жамоат хавфсизлигига қаратилган манзилли чоралар, яъни, криминоген вазияти оғир ҳудудлар ёки ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган аниқ шахслар (рискуруҳлар) билан индивидуал ишлашга асосланган ёндашувдир.

Профилактик фаолиятнинг ҳуқуқий табиати қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда идоралараро ҳамкорлик каби фундаментал принципларга таянади.

Ушбу тадқиқот доирасида ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолияти таҳлиладан аввал, соҳанинг илмий-назарий пойдеворини шакллантирган етакчи олимларнинг қарашларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Лоуренс Шерман "далилларга асосланган полиция фаолияти" (evidence-based policing) назариясини илгари суриб, профилактика фақат илмий таҳлил ва самарадорлиги исботланган тажрибалар асосида ташкил этилиши лозимлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Фикримизча, бу ёндашув ресурсларни самарасиз рейдлардан реал натижа берадиган нуқталарга йўналтириш имконини беради, бироқ миллий амалиётда Big Data базаларининг тўлиқ интеграция қилинмаганлиги унинг амалий татбиқини қийинлаштиради.

Рональд Кларк "Ситуацион жиноятчилик профилактикаси" назарияси орқали жиноят содир этиш имкониятини камайтирувчи муҳит (техник тўсиқлар, кузатув) яратиш шахснинг хулқ-атворини ўзгартиришдан кўра самаралироқ эканини асослайди<sup>2</sup>.

Бизнингча, ушбу назария жиноят содир этиш хавфини жисмоний даражада чекласа-да, жиноятнинг ижтимоий сабабларини бартараф этмайди, балки жиноятнинг бошқа жойга кўчиши (displacement effect) хавфини туғдиради.

Паул ва Патриция Брантингем "Экологик криминология" доирасида жиноятчиликнинг макон ва вақтдаги геометриясини (nodes, paths, edges) таҳлил қилиб, жиноят содир этилиш нуқталари ва йўллари илмий асослаб берганлар<sup>3</sup>.

Бу назария патрул йўналишларини тўғри тақсимлашга хизмат қилади, аммо аҳоли яшаш ҳудудларини ҳаддан ташқари ёпиқ муҳитга айлантириб қўйиши мумкин.

Қ.Р.Абдурасулова, умумижтимоий профилактикани жиноятчилик сабабларини нейтраллаштириш ва фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш тизими сифатида таърифлайди<sup>4</sup>.

Фикримизча, профилактиканинг энг инсонпарвар шакли бўлиб, узоқ муддатли барқарорликни таъминлайди, бироқ натижаларни қисқа муддатда ўлчаш мураккабдир.

<sup>1</sup> Sherman L.W. "Evidence-Based Policing". Ideas in American Policing. Police Foundation, 1998. // <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/evidence-based-policing>.

<sup>2</sup> Clarke R.V. "Situational Crime Prevention: Theory and Practice". British Journal of Criminology, 1980; 2nd ed. Harrow and Heston, 1997. // [https://popcenter.asu.edu/sites/g/files/litvpz3631/files/scp2\\_intro\\_0\\_0.pdf](https://popcenter.asu.edu/sites/g/files/litvpz3631/files/scp2_intro_0_0.pdf).

<sup>3</sup> Brantingham P.J., Brantingham P.L. "Environmental Criminology". Sage Publications, 1981. // <https://catalogue.nla.gov.au/catalog/1823813>

<sup>4</sup> Абдурасулова Қ.Р. "Криминология". Дарслик. ТДЮУ, - 2021. // <https://library.tsul.uz/uz/books/4089>

С.Б. Хужакулов, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг генезиси ва назариясини тадқиқ этиб, соҳанинг миллий илмий-ҳуқуқий моделини тақлиф этган<sup>5</sup> бўлса, И.Р.Астанов эса, рақамли далиллар билан ишлаш ва кибержиноятларни тергов қилишнинг процессуал жиҳатларини тадқиқ этган<sup>6</sup>.

Ўзбекистон профилактика тизимининг тарихий ривожланишини замонавий талаблар билан бирлаштиради, аммо назарий моделларни қуйи тизимлардаги бюрократик жараёнлар билан мувофиқлаштириш секин кечмоқда. Виртуал маконда тартиб ўрнатишнинг ҳуқуқий асосларини яратади, бироқ кадрларнинг техник малакаси етарли эмаслиги тизимли муаммо бўлиб қолмоқда.

С.С.Гулямовнинг фикрича, киберҳуқуқ ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиб, профилактикани автоматлаштириш истиқболларини очади<sup>7</sup>. Бизнингча, инсон омилини камайтириш имконини берса-да, шахсий маълумотлар махфийлиги билан боғлиқ янги ҳуқуқий зиддиятларни келтириб чиқаради.

Ю.С. Пулатов ва И.У. Исмаиловлар, ички ишлар органларида бошқарув асослари ва профилактика хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиққанлар<sup>8</sup>.

Профилактикани профессионал бошқариш механизмини аниқ белгилайди, аммо марказлашган бошқарув баъзан маҳаллий хусусиятларга мослашишда қийинчиликлар туғдиради.

Ички ишлар органлари (ИИО) ва ҳамкорлик қилувчи тузилмаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалий фаолияти бугунги кунда анъанавий усуллардан рақамлашган ва натижадорликка йўналтирилган тизимга ўтиш босқичида турибди. Бироқ, амалиётнинг тизимли таҳлили соҳада бир қатор концептуал ва ташкилий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирда профилактика инспекторлари ва соҳавий хизматлар фаолияти «Е-Вaho» рейтинг тизими орқали баҳоланиб келинмоқда. Ушбу тизимда иккита асосий модул (шаҳар ва қишлоқ) мавжуд бўлиб, улар ходимларни моддий рағбатлантиришга хизмат қилади.

Баҳолаш индикаторлари ҳали ҳам кўпроқ миқдорий кўрсаткичларга (аниқланган ҳуқуқбузарликлар, ўтказилган суҳбатлар сони) асосланган бўлиб, реал ижтимоий натижа — «Outcome» (рецидив камайиши, шахснинг риск гуруҳидан чиқиши) иккинчи даражада қолмоқда.

Ю.С. Пулатов ва И.У. Исмаилов таъкидлаганидек, профилактика хизматини бошқаришда оператив вазиятни тўғри баҳолаш ва вазифаларни тўғри режалаштириш ўрнига, баъзан формал ҳисоботбозлик кузатилади.

Баҳолаш мезонларини «samaradorlik.uz» платформасига интеграция қилган ҳолда тўлиқ рақамлаштириш ва асосий урғуни худуддаги аҳолининг хавфсизликдан қониқиш даражасига қаратиш лозим.

<sup>5</sup> Хужакулов С.Б. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: генезиси, назарияси ва амалиёти". Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси. ИИВ Академияси, 2023,. // <https://akadmvd.uz/uz/ads/elon-30-05-2023>.

<sup>6</sup> Астанов И.Р. "Kiberjinoatlarni tergov qilish muammolari". ResearchGate, 2022. // [https://www.researchgate.net/publication/358837252\\_Kiberzinoatlarni\\_tergov\\_kilis\\_muammolari](https://www.researchgate.net/publication/358837252_Kiberzinoatlarni_tergov_kilis_muammolari).

<sup>7</sup> Гулямов С.С. Киберҳуқуқ ва сунъий интеллект тизимлари бўйича илмий мақолалар тўплами. // <https://gulyamov.org/ru/>.

<sup>8</sup> Пулатов Ю.С., Исмаилов И. "Ички ишлар органларида бошқарув асослари". Дарслик. ИИВ Академияси, 2005. // <https://journals.proindex.uz/index.php/JIESR/article/download/985/826/1664>.

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун<sup>9</sup> ҳамкорлик субъектлари сифатида адлия, меҳнат, таълим ва соғлиқни сақлаш органларини белгилайди.

Соҳада бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

-Амалиётда масъулият ҳали ҳам асосан ИИО зиммасида қолмоқда, бошқа субъектлар эса профилактикада иштирок этувчи сифатида ўзларини тўлақонли ҳис қилмаяпти.

- ИИО ва соғлиқни сақлаш идоралари ўртасида ягона кейс-менежментнинг йўқлиги сабабли, наркологик ҳисобдаги шахслар билан ишлашда «аниқлаш — даволаш — реабилитация — назорат» занжири узилиб қолган.

- Мактаб инспектор-психологларининг ИИО соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги кўпинча расмий характерга эга бўлиб, эрта сигналларни аниқлашда психологик хизмат интеграцияси етишмаяпти.

-Наркожиноятларнинг интернет ва мессенжерларга кўчиши («закладка» усули, криптотўловлар) анъанавий профилактиканинг самарадорлигини пасайтирди.

- 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сон Қонуни билан рақамли далиллар тушунчаси ва уларни тўплаш тартиби белгиланган бўлса-да, амалиётда терговчи ва профилактика ходимларининг техник малакаси етарли эмас.

- Платформа провайдерлари билан тезкор ахборот алмашиш механизми мураккаб, OSINT (очиқ манбали қидирув) воситалари профилактиканинг қуйи бўғинларигача кириб бормаган.

-Республика бўйича ҳар йили сентябрь-ноябрь ойларида «Қорадори» тадбири ўтказилади. Тадбир ИИО, ДХХ, Божхона ва Миллий гвардия билан биргаликда келишилган режа асосида амалга оширилади. Мавсумий характер: Тадбирлар қисқа муддатли аниқлаш натижаларини берса-да, йил давомида доимий назорат механизми заиф. Вертолёт назорати ва пиёда рейдлар катта молиявий ресурс талаб этади.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал этишнинг бир қанча йўллари мавжуд бўлиб, қуйида уларни кўриб чиқамиз. Хусусан:

-ҳар бир идоранинг аниқ масъулият чегарасини белгиловчи Стандарт операцион тартибларни (SOP) жорий этиш ва «E-ijtimoiy profilaktika» тизимини маҳалланинг ягона платформаси билан тўлиқ интеграция қилиш зарур.

-ИИО таркибида кибер-профилактика бўлинмаларини ташкил этиш, дронлар ва сунъий интеллект (AI) технологияларини жиноятларни прогнозлашга татбиқ этиш (Domain Awareness System) лозим.

-тадбирларни «Evidence-based» (далилга асосланган) моделига ўтказиш, яъни фақат илмий прогноз ва сунъий интеллект таҳлили асосида криминоген нуқталарга (nodes) дронлар ёрдамида аниқ зарба бериш.

Амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактик фаолиятида «бажарилган ишлар сони»дан «реал натижа»га ўтиш давр талабидир. Профилактика шахсни жазолаш эмас, балки унинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш орқали жиноят йўлидан қайтаришга йўналтирилиши шарт.

Шунга кўра, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Профилактика субъектлари учун мажбурий бўлган «Ягона ҳамкорлик регламенти»ни (SOP) тасдиқлаш ва унда ваколатларни аниқ чегаралаш.

2. Вилоят ва туман даражасида «Ислохотлар штаблари» доирасида профилактикани мувофиқлаштирувчи доимий марказларни ишга тушириш.

3. «Smart Mahalla» ва «E-ijtimoiy profilaktika» тизимларини соғлиқни сақлаш базалари билан тўлиқ интеграция қилиб, «ягона кейс-менежмент»ни жорий этиш.

4. Профилактика тадбирларини фақат «Evidence-based» модели асосида, криминологик прогнозларни инобатга олган ҳолда режалаштириш.

<sup>9</sup> «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун // Lex.uz.

5. Наркологик даволаниб чиққан шахсларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий мослаштиришни кафолатловчи «давлат-хусусий шериклик» тизимини яратиш.
  6. Профилактика инспекторлари учун рақамли криминалистика ва кибер-психология бўйича доимий малака ошириш курсларини тизимлаштириш.
  7. Ходимлар фаолиятини баҳолашда «аниқланган жиноятлар»дан кўра, «риск гуруҳидан чиқарилган ва ижтимоий соғломлаштирилган шахслар» салмоғини асосий мезон қилиб белгилаш.
- Ушбу чораларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий моделини яратишга хизмат қилади.

